



IMPROVING THE EFFICIENCY AND ACCOUNTABILITY OF SUPERVISORY BOARD ACTIVITIES IN STATE-OWNED ENTERPRISES

Nuralieva Nilufar Rustamovna

Head of the Educational Department

Academic Lyceum of Turin Polytechnic University in Tashkent

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15244542>

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2025

Accepted: 17th April 2025

Online: 18th April 2025

KEYWORDS

Supervisory Board (SB), committees, state-owned enterprise (SOE), business plan.

ABSTRACT

This article discusses the role and significance of the Supervisory Board, as well as the issues related to expanding its functions and responsibilities. Taking into account the newly established committees under the Supervisory Board, the article provides recommendations aimed at improving the efficiency and accountability of the Supervisory Board's activities in state-owned enterprises.

ДАВЛАТ УЛУШИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРДА КУЗАТУВ КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ

Нуралиева Нилуфар Рустамовна

Ўқув бўлими бошлиғи Тошкент шаҳридаги Турин политехника
университети академик лицейи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15244542>

ARTICLE INFO

Received: 10th April 2025

Accepted: 17th April 2025

Online: 18th April 2025

KEYWORDS

Кузатув кенгаши (КК), қўмиталар, давлат корхонаси (ДК), бизнес-режа.

ABSTRACT

Ушбу мақолада кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти, унинг функция ва вазифаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Кузатув кенгаши ҳузурида янги ташкил этилган қўмиталар ҳисобга олинган ҳолда, давлат улуши бўлган корхоналарда кузатув кенгаши иш фаолиятини самарадорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида тавсиялар берилган.

Кузатув кенгашлари (кейинги ўринларда КК) давлат иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Улар, биринчи навбатда, ижро аппарати фаолияти устидан назоратни таъминлаш, корхонанинг келажакдаги ривожланишининг стратегик мақсадлари ва йўналишларини белгилаш учун мўлжалланган. Кузатив кенгашнинг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:

корхонанинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш ва кенгайтириш мақсадида корхонани ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;



модернизация, техник ва технологик янгилаш, замонавий фан ва техника ютуқларига мувофиқ янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш;

корхонанинг йиллик бизнес режаларини, инвестиция дастурларини ва корхона ривожланишининг тасдиқланган параметрларини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ташкилий-техник тадбирларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

зарур ҳолларда мустақил экспертлар ва аудиторларни жалб қилган ҳолда, шу жумладан шартномалар, молиялаштириш схемалари ва шартларининг асослилигини текшириш йўли билан ҳар чорақда ички аудит хизмати томонидан корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чорақда корхона раҳбарининг ҳисоботини эшитиш, бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш.

Юқоридаги функцияларга қўшимча равишда, КК мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимнинг тузилишини назорат қилишга мажбурдир, унинг миқдори, бизнинг фикримизча, компания активларининг йигирма беш фоиздан эллик фоизгача бўлиши керак.

Функционал вазифаларни санаб ўтишда шуни ҳисобга олиш керакки, КК корхоналарнинг мулкий мажмуасидан самарали ва оқилона фойдаланиш, коррупцияга қарши қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ иш олиб боради.

Корхоналарда кузатув кенгашлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 8-апрелдаги 101-сон қарори қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, ҳар бир Кузатув кенгаши аъзоларидан стратегия ва инвестиция қўмитаси, тафтиш қўмитаси, тайинлаш ва мукофотлаш қўмитаси, коррупцияга қарши кураш ва ахлоқ қўмитасини ташкил қилинади.

Мазкур Фармонни амалга ошириш, шунингдек, давлат корхоналарида корпоратив бошқарув органларини янада ривожлантириш мақсадида корхоналарнинг функция ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда кузатув кенгаши тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, унитар корхоналар шаклидаги давлат корхоналарида ҳам кузатув кенгашлари фақат Украина ва Эстония каби айрим мамлакатлар ҳудудида мавжуд, яъни ушбу мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, уларнинг таркибига КК-нинг мустақил аъзоларини ҳам сайлайди.

Корпоратив бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ўзаро боғлиқ бўлган бошқа долзарб масалаларни ишлаб чиқишни ҳам назарда тутати: давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш, коррупция хавфини камайтириш, аҳоли ишончини ошириш, инвестиция жозибadorлигини ошириш ва узоқ муддатли капитални жалб қилиш, рақобатни кучайтириш ва ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва хизматлар хизматлар турини кўпайтириш.



Кузатув кенгашлари фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар таклиф этилади:

1. КК нинг жамият олдидаги ҳисобдорлигининг мунтазам ва аниқ тизимини жорий этиш. Кузатув кенгашининг жамият олдидаги шахсий ҳисобдорлигини таъминлаш ва КК фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ташкилотларнинг очиқ ресурсларига жойлаштириш.

2. КК аъзоларини рағбатлантиришнинг аниқ ва шаффоф тизимини аниқлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар чоракда баҳолаш. Иш ҳаққини якуний тўлаш корхоналарнинг молиявий, сифат ва бошқа кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар бўлган баҳолаш асосида амалга ошириш.

3. Шакллар ва самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқлаш. Корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, КК фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар шаклларини ўзгартириш. Мажбурий киритиш ва ҳисобга олиш бир нечта параметрлардан иборат молиявий, иқтисодий, сифат ва бошқа кўрсаткичлар бўлиши керак.

4. КК аъзоларининг сифатини ва уларнинг ваколатлари даражасини ошириш. Танлов босқичида ҳам, келажакда ҳам маълум бир тартиб билан КК потенциал аъзосининг малака даражасини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш. Баҳолаш маълумотлари асосида Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича аъзоларнинг малакасини ошириш ва ўқув машғулотларини ўтказиш.

Урганиш шуни кўрсатадики, кузатув кенгаши корхоналар учун ортиқча эмас. У давлат корхоналари ижро этувчи аппаратида тўғри йўлни топишга ёрдам берадиган, тажриба ва ваколатларга эга бўлган назорат қилувчи ва стратегик йуналишларни курсатадиган бошқарув органидир. Бу давлат корхоналарининг муваффақиятли ва инвесторлар учун жозибador бўлиши учун зарурий шартдир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 8-апрелдаги «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида» ги 101-сон қарори.